



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги қашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1997 йил, 7 ноябрь № 45 (273)

Сотувда нархи эркин

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев бошчилигида ўтган ҳайъат йиғилишида соҳа фаолиятига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди. Янги тузилган акционерлик компанияларининг раҳбарлари — Т. Ф. Раҳимов («Маҳаллий телеком»), М. А. Холмуратова («Халқаро телеком»), Р. Э. Зикировлар («Ўзбекистон почтаси») мазкур компаниялар фаолиятига оид ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, ташкилий тадбирларнинг яқуни ва ишларнинг бориши тўғрисида маълумот беришди.

Ҳайъатда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш шунчаки бир оддий иш эмаслиги, бу тадбирларни суस्तаслиги билан олиб боришга йўл кўймаслик кераклиги алоҳида таъкидланди.

Мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш, унинг нарҳини аниқлаш, улушларни тақсимлаш, жумладан, меҳнат жамоаси улушини белгилаш, акция қозғоғини чиқариш, ҳиссадорларнинг йиғилишларини ўтказиш катта меҳнат талаб қилади. Бу ишларни бажаришда иш самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтиришга эътиборни қаратиш зарур. Баъзи раҳбарлар корхонанинг катта миқдордаги қарзларини тўлаш, дебитор қарзларини ундириш каби муҳим ишлар турганда қимматбаҳо мебеллар ва ҳўжалик жиҳозлари сотиб олишга рўжў кўймоқдалар. Жумладан, «Маҳаллий телеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ДАҚда бу каби ҳолатлар кайд қилинган. Ушбу корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига қонун асосида қатъий чоралар кўришга тўғри келади.

Ҳайъат йиғилишида алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг ташаббуси билан алоқа корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бора-сидига масала ҳам кўрилди. Бу хусусда Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раисининг ўринбосари, меҳнатнинг бош техник назоратчиси М. Мирзаахмедов тўлиқ маълумот берди. Маърузачи ҳозир бу борадаги шароит қатъий чоралар кўришни талаб қилаётгани, алоқа корхоналаридаги бахтсиз ҳодисалар сони камаймаётгани, ўлим билан тугаётган ҳодисалар учраётганини айтиди. «Маҳаллий телеком» АК, «Алоқинвест» ҳиссадорлик жамиятининг бир қатор жамланмалари, почта алоқасининг таркибий бўлимларида

ана шундай шароит юзага келганки, бу ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масаласига Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Андижон, Тошкент вилоятларида, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида эътибор берилмаяпти. Корхоналарда ўлим билан тугаётган ҳодисаларни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Шу боис ҳам бу масалада назоратни кучайтириш, алоқачиларни ўқитиш, уларга хавфсиз иш шароитларини яратиб бериш, техника назоратчиларининг масъулиятини кучайтириш, йўриқномаларни мукамаллаштириш, раҳбар-мутахассисларнинг жавобгарлигини ошириш зарурдир.

Йиғилишда илмий-техника тадқиқотлари ва маркетинг Маркази директори Р. И. Исаев марказнинг иши тўғрисида ахборот берди. Маълумки, бу янги марказ собиқ илмий-тадқиқот маркази негизида ташкил қилинган бўлиб, унинг олдига энг муҳим вазифалар турибди. Марказ директори бу масалаларни ечиш учун катта миқдордаги маблағ зарур эканлигига эътиборни қаратди. Шунинг учун ҳам ҳайъатда тез орада марказни акционерлик компаниялари иштирокида маблағ билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Илмий-техника тадқиқотлари ва маркетинг Маркази меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда оқсаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Шунингдек, Тошкент электротехника Алоқа институти ва Тошкент Алоқа коллежида мутахассислар тайёрлаш чора-тадбирларини кучайтириш борасидаги масала ҳам кўрилди.

Ҳайъат муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

А. КУДИНОВ

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Уйчи туманининг Тепасарой қишлоғида замонавий янги автомат-телефон станцияси қурилиши охирига қолди. 600 нуқтага мўлжалланган ушбу иншоотда сўнгги пайвандлаш ишлари кетяпти. Уни туман электралоқа боғламасининг Абдулла Жўраев, Неъматжон Эшонов, Одилжон Холмирозев сингари унлаб муҳандис ва монтёрлари амалга оширишмоқда.

Мазкур АТС келгуси ойнинг охирида фойдаланишга топширилади.

ҚУЛАЙЛИК

Уйчи туманининг Машад қишлоғида барча қулайликларга эга булган янги алоқа бўлими қад ростлади.

Ҳашар йўли билан бунёд этилган янги бино хизмат кўрсатиш, саралаш ҳамда юбортмаларни қабул қилиш хоналаридан иборат.

— Бирдан-бир орзумиз ушалди, — дейди бўлим етакчиси Убайдулла Раҳимов. — Бўёғи аҳоли талаби даражасида хизматни йўлга қўя олсак бўлгани.

БАЙРОҚДОР БЎЛИШДИ

Чортоқдаги Бизнес мактаби жамоаси келгуси йил учун мат-

• Намангандан дараклар

буот нашрларидаги обунани бўлишида туманда байроқдор бўлиши. Уқитувчи ва талабалар республика ҳамда вилоятда чиқадиган 14 хил номдаги газета-журналларга ёзилиши.

— Айниқса, «Мулкдор», «Туркистон», «Маърифат», «Фан ва турмуш» каби нашрларга қизиқиш катта, — дейди мактаб директори А. Ваҳобжонов. — «Хабар» газетасига бултур фақат бир киши ёзилган бўлса, бу йил турт киши обунани бўлди.

Аҳмаджон ТҲҲИЧИБОВ,
Наманган вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Матбуотда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорини эълон қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримов 4 ноябрь куни ливанлик таниқли ишбилармон, халқаро миқдосдаги ношир — Муҳаммад Таҳсин Салоҳ ал-Хайётни қабул қилди.

• Юртбўсизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асари Ливандаги «Шарикат ал-матбуот лит-таъзи ван-нашр» нашриётида араб тилида кўп нусхада chop этилди.

• Украина билан Россия мудофаа вазирлари Қора денгиз флотини узил-кесил бўлиб олиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзоладилар.

• Европа комиссиясининг Президенти Жак Сантернинг Болтиқбўйи мамлакатлари бўйлаб сафарига Латвияга ташрифдан бошланди. У Латвия, Литва ва Эстония раҳбарлари билан ушбу республикаларнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши истиқболлари ҳақида музокара олиб боради.

• 46 ёшли Мэри Маккериси хоним Ирландиянинг янги Президенти этиб сайланди. 11 ноябрда лавозимини эгаллайдиган президент 7 йил давомида бу давлатга раҳбарлик қилади.

• 1997 йил учун Ганди номидаги Тинчлик мукофотини олишга Герхард Фишер (Германия) номзоди тасдиқланди. Етмиш олти ёшли, немисларнинг «инсоният элчиси» деб тан олинган доктор Г. Фишерни ушбу мукофотга Ҳиндистон Бош вазири И. К. Гужрал раислигидаги нуфузли ҳайъат муносиб деб топди.

ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМАЛАР

«Самарқанд вилояти, Ургут туман почта алоқа боғламаси ишчи-хизматчиларидан 164 киши «ХАВАР» газетасига 1998 йил учун обунани бўлиши. Почтачиларимиз уйма-уй юриб, аҳолини республика ва чет эл матбуот нашрларидаги обунани қилишмоқда.

Ургут туман почта алоқа боғламаси бошлигининг ўринбосари Ш. САЙФИЕВ

«Асака почта алоқа боғламаси ходимларининг 95 нафари келгуси йил учун «Хабар» газетасига ёзилиши. Обунани давом этмоқда.

Асака почта алоқа боғламаси бошлиги А. АБДУРАҲМОНОВ

«Андижон вилояти, Куйганёр почта алоқа боғламасининг 90 нафар ходимлари келгуси йилда севибли «ХАВАР» газетасини олиб ўқийдиган бўлиши. Боғламада обунани ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Куйганёр почта алоқа боғламаси бошлиги М. МҲМИНОВ

• Обуна — 98

АВИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг захматкаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАВАР» газетасига обунани бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:
1 ойга 43, 6 ойга 258,
12 ойга 516 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 227

Таъкилот ва корхоналар учун:
1 ойга 82, 6 ойга 492,
12 ойга 984 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 228

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқачиларга, Агентлик тизимидаги корхоналар, кўшма корхоналар, фирмалар, ташкилотлар раҳбарларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ҳамкасблар!

Истиқлол шарофати туфайли ҳаётимизда кечаётган оламшумул ўзгаришлар халқимиз тафаккурига ҳам чуқур кириб бормоқда. Бугун халқимизда ҳар қанчонгидан ҳам инсоний камолотга эришиш, яъни билимли ва маърифатли бўлиш, дунё воқеаларидан бохабар бўлиш ҳисси ортиб бормоқда. Шу боис одамлар матбуотга катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уни энг зарур, энг содик дўст-хамроҳ сифатида қадрлайдилар.

Республикаимиз Президент И. Каримовнинг шу йил 27-июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида шундай дейилди: «Ўзбекистон тарихида ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган».

Республикаимиз алоқачилари олдида турган энг муҳим ва шарафли вазифалардан бири халқимизни матбуотга бўлган талабини тўлароқ қондириш, яъни газета ва журналларни муштарийлар кўлига тезроқ етиб боришни таъминлаш, уларга обуна бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришдир.

Республикаимиз матбуотчилари газета ва журналларнинг қизиқарли ва мазмунли бўлиши учун астойдил изланмоқдалар. Биз

алоқачилар эса 1998 йил обуна мавсумини юксак уюшқоқлик билан ўтказиш, газета ва журналларнинг ҳар бир хонадон, корхона ва ташкилотга ўз вақтида сифатли етиб боришини таъминлаш кафолатини берайлик. Ҳар бир алоқачи, айниқса, почта ходимлари корхона бошлиғидан тортиб то хат ташувчиларгача бугунги куннинг энг долзарб вазифаси матбуотни қўллаб-қувватлаш, обуна билан боғлиқ тадбирларни кўтаринки руҳда уюшқоқлик билан ўтказиш эканлигини яхши тушуниб етмоқликларини дарур.

Азиз ҳамкасблар! Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари!

Биз сизларга мурожаат қиламиз. Мустақилликни мустаҳкамлашга бел болаган бўлсангиз, халқимиз ўр-тасида ўзаро аҳиллик, миллати тўтувлик ва осойишталик бундан буён ҳам барқарор бўлишига ҳисса қўшади десангиз, ёш авлодни боболаримиз яратган меросга муносиб, соғлом, билимли, маданиятли, баркамол инсонлар бўлиб воёга етишларига тилақдош бўлсангиз, халқимизни газета ва журналларга обуна бўлишлари учун керакли шарт-шароит яратиб бери-нг, уларнинг муштарийлар кўлига ўз вақтида етиб боришига эришинг. Корхонангиз хизматчилари ва нафақадаги собиқ ходимларни ҳам обуна бўлишларига моддий қўллаб-қувватлаш.

Газета ва журналларнинг ҳар бир хонадон, мактаб, ўқув юртлари, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, кутубхоналарга етиб боришни таъминлайлик.

«Тошкент почта» акционерлик жамиятининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Уни «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниясининг Бош директори Р. Э. Зикиров бошқарди. Анжуманда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги Бош директорининг уринбосари М. М. Маҳмудов кун тартибидаги масалалар юзасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳақида қисқача маълумот берди.

АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Кун тартибидаги масалалар бўйича «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг Бош директори Р. Э. Зикиров, «Тошкент почтаси» корхонаси бирлашган қасаба уюшмасининг раиси Л. М. Трофименко, Сирғали туман почта алоқа боғламасининг иқтисодчиси Л. А. Калашниковалар сўзга чиқишиб, «Тошкент почта» акционерлик жамияти Низомига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида таклифлар билдиришди.

Анжуманда очик овоз бериш йўли билан «Тошкент почта» акционерлик жамияти Низомига лойиҳаси асос сифатида қабул қилинди ва Низомни яқиний таҳрир қилиш учун 5 кишидан иборат таҳрир комиссияси сайланди.

«Тошкент почта» акционерлик жамиятининг Кузатув Кенгаши, директори ва Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомлар тасдиқланди. «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционер-

лик компаниясининг Бош директори Р. Э. Зикиров раислигида 9 кишидан иборат Кузатув Кенгаши ҳамда 3 кишидан иборат Тафтиш комиссияси сайланди. «Тошкент почтаси» корхонасининг бошлиғи С. Х. Ҳотамов нафақага чиқиши сабабли шу корхона бошлиғи уринбосари бўлиб ишлаган Юсуфжон Мирдаутович Мирсоатов «Тошкент почта» акционерлик жамияти директори этиб сайланди.

Анжуман якунида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги Бош директори А. Х. Жўрабоев энг ташкил қилинган «Тошкент почта» акционерлик жамияти вазифалари ҳақида тўхталди ҳамда почта соҳасидаги узок йиллик самарали хизматлари учун С. Х. Ҳотамовга савийий миннатдорчилик билдирди.

К. АЛИМОВ

ТАЙИНЛАШ



Юсуф Мирдаутович МИРСОАТОВ «Тошкент почта» акционерлик жамиятига акциядорларнинг таъсис йиғилишида директор этиб сайланди.

Юсуф Мирдаутович Мирсоатов 1952 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти олий — 1975 йили Тошкент электротехника Алоқа институти ва 1992 йили Тошкент Давлат юридик институтини битирган. Мехнат фаолиятини 1975 йили Давлат Режа қўмитасида иқтисодчи-муҳандисликдан бошлаган. 1978 йили Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги раҳбар-ҳодимлар малакасини ошириш институтида таҳсил олган. 1979-1981 йиллари Армия сафида хизмат қилган. 1982 йилдан то ҳозирги вазифага сайлангunga қадар «Тошкент почтаси» корхонаси бошлиғининг уринбосари эди. Oilали, уч нафар фарзанди бор.

МАҚСАД - ХОЛИС ХИЗМАТ

Сурхондаре вилоят давлат почта алоқа корхонаси «Сурхондаре почтаси» давлат акциядорлик жамиятига айлантирилди. Акциядорлик жамияти низомида янги почта хизмати турларини кўпайтириш, даромадини ошириш, почта ходимларининг ойлик маошларини кўтариш, бозор муносабатларини, маркетинг хизматини чуқур ўрганиб йўлга қўйиш каби вазифалар белгиланган. Шу боис ҳам 1997 йилдан бошлаб виллоятимизда почта орқали газ, электр қуввати учун тўловлар, давлат автомобиль назорати жарималари ва солиқлар, фуқаролардан ер солиғи, мулк солиғи олишни йўлга қўйди, газета, журналлари очилди, филателия ишга тушди. Темир йўл почта масканида почта жўнатиш учун катталар тикниш йўлга қўйилди.

Почта ходимларининг билимини ошириш, хабарлар, янгиликлар билан танишиб бориш мақсадида корхонаимизда «Маънавият маркази» иш олиб бормоқда. Жамоаимизда хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда виллоят ҳокимлиги билан маслаҳатлашиб, хотин-қизлар кенгаши тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. Яқин орада эса соғломлаштириш масканини очиб мулкчиланишти. Газета ва журналларни ўзгаларига тезроқ етказиб беришда Термиз — Бойсун, Термиз — Денов йўналиши бўйича узимзининг «Дамас» машиналаридан фойдаланилмоқда. Бу корхонаимизга ҳар ойда 105 миң сум иқтисод қилиш имконини бераптир. Корхонаимиз ҳудудида ошхона ишлаб турибди. Янги пайтда 500 нафардан ортиқ почта ходимлари виллоятимиз пахтакорларига ердан беришмоқда. Хуллас, виллоятимиз почтачилари халқимиз учун ҳолисона хизмат қилишга бел болашган.

Саодат БҮРОНОВА, «Сурхондаре почтаси» давлат акциядорлик жамиятининг назоратчи муҳандиси

ролар кенгашининг учта маҳалласида иштирок қилаётган 350 нафақачи ва обуначига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Почтачи Иброҳимжон 1998 йил учун газета-журналларга обуна тўплашда ҳам фаол иштирок этаётир. Унинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида 20 нафақачи турли матбуот нашрларига, Ҳайитбой Камолов, Фанибой Абдураҳмонов, Камолитдин Ҳилолитдинов каби нафақачилар эса «Хабар» газетасига обуна бўлишди.

Қаюмжон ТУРСУНОВ, Фаргона вилояти, Суратни муаллиф олган



Иброҳимжон НЕЪМАТОВ почтачилик касбининг ўн йилдан ортиқ вақтдан бери ардоқлаб келади. У Фаргона вилояти, Бувайда туманидаги Янгиқўрғон фуқа-

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1997 йил 29 ноябрда соат 10.00 да Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлигининг мажлислар залида ўтказилади. Қатнашчилар шу кун соат 9.00 дан бошлаб зал пойгоҳида рўйхатга олинади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Алоқабанк»нинг 1997 йил 9 ойлик молиявий иш фаолияти яқунлари тўғрисида.
2. Банк Уставига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида.
3. Банк Кенгаши таркиби ҳақида.
4. Тафтиш комиссиясининг таркиби ҳақида.
5. Турли масалалар.

Маълумот учун телефонлар: 133-62-54, 136-76-86
«Алоқабанк» Бошқаруви

ЭЪЛОН

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги алоқа соҳаси ва иқтисодийтини яхши биладиган олий маълумотли муҳандис-техник мутахассисларни қуйидаги вазифаларга ишга тақлиф этади:

Бозор ислохотлари ва қимматбаҳо қоғозлар бўлимига:

- Бўлим бошлиғи;
- Бош мутахассис — 2 киши.

Маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлимига:

- Бош мутахассис;
- Етакчи мутахассис.

Почта алоқалари бўлимига:

- Бўлим бошлиғи уринбосари;
- Бош мутахассис.

Халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлимига:

- Етакчи мутахассис.

Бухгалтерияга:

- Бош мутахассис.

Юридик-ҳуқуқий бўлимига:

- Бош юрист-маслаҳатчи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй, Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими, 157-хона, телефон: 34-69-51, ички: 250, факс: 139-87-82.

Куз кунларининг бирида тушлик қилгани Урдадаги анҳор бўйига бордим. Шурва олиш учун навбатга турдим. Ёшгина ошпаз йигит қули-қулига тегмай оқват сузмақда. Ажабо, у катта товоққа олиб қўйилган гўшт булакларини тахта устига қўйиб, катта пичоқ билан чоққилаб майдалар, сунг мойга беланган шу қўллар билан узига узатилаётган кир-чир пулларни чангаллаб, дуч келган чўнтақларига апил-тапил солар, сунг яна шу қўллари билан гуштни косага ташлар эди. Бу манзарани куриб, ижирганиб кетдим. Энсам қотди. Индамай бошқа жойга бормоқчи ҳам бўлдим у вақт зиклиги учун шаштимдан қайтдим. Мени таажжублантирган яна бир нарса — олдимда турган беш-олти чоғли хурандаларнинг миқ этмаётгани эди. Ниҳоят, навбатим келганда ноилож уша қўлдан оқват олдим. Эътироз билдиришга шошмадим — иштаҳани бўзгим келмади. Барибир томоғимдан оқват утмади. Секин ошпазнинг ёнига бориб, бир ўзи

холи қолганда фикримни айтдим. Ҳартугул, эътирозимни тўғри тушунди, хатосини тан олди. Халқимиз азруйи азалдан тозалик ва покизаликни юксак даражада қадрлаган. «Поклигинг — соғлигинг», «Тозалик — соғлиқ гарови», «Соғ юрай десанг, озода бул», «Оқ булмаса бўлмасин, пок бўлсин», «Жанда бўлса бўлсин, ганда булмасин», «Қа-

лини пана қилиб, чойга шоша-пиша қўлини чайиб олаётганини кўп кузатганман. Қўл ювишга сув қўйилмагани сабабли бунга имкон бўлмагач, боёқиш нима қилсин? Мавриди келганда яна бир танқидий мулоҳазани айтмоқчиман. Айрим тўй-тўлқинларда (купинча қишлоқ жойларда) қўл артишга ажратилган сочиқлар сиқса суви чиқади-ган даражада намиқиб, кир-чир булиб кетса ҳам алмаш-

лаб юраверишади. Катталар эса бунга бефарқ, бепарво... Тасаввур қилинги, ана шу даврада кунгли нозик, тозалikka қатъий амал қилмаган бир одам утирибди. Унинг еган-ичгани татирмикин?

Жойларда, куча-қуйларда яна шундай нохуш бир манзарани кўп курганмиз. Дукондан, саватлардан янги сотиб олинган азиз неъмат — нонни айрим одамлар негадир қўлтиғига қистириб олади ёки енгил машинасининг ичига шундоқ ташлаб қўяверади. Бирон нарсага ураб ёки халтага солиб қўйса ҳам қошки эди.

Эҳтимол, кимгадир юқоридаги мулоҳазалар арзимас, иккинчи даражали икир-чикирлардай туюлар. Бизнингча, тозалик, покизалик, саранжом-саришталик айни чоғда турмуш маданиятини, демак, маълум маънода маънавиятни ҳам белгилайди. Шунинг учун ҳам бу масалаларга лоқайд қараш мумкин эмас, азизлар.

Шодмон ОТАБЕК

• Турмуш чорраҳаларида
ПОКЛИГИНГ — СОҒЛИГИНГ

рамаган бошни бит ейди», «Қулинг терли бўлса, қўл олишиб қўришма» каби кўплаб пурмаъно мақоллар бежиз яратилмаган ахир.

Эсимда, болаликда елкамизга оппоқ сочиқ ташлаганча обдастани ушлаб, азиз меҳмоннинг қўлига сув қўйиб, дуосини олиш биз учун катта шараф эди. Афсуски, бу яхши анъана айрим жойларда секин-аста унутилаётгандай... Наҳорда ошга борганда айрим кунгли нозикроқ одамларнинг стол остида секин қў-

тирилмайди. Ичкарида хизмат қилаётган одамлар эса, оёқ кийими ёки махсиси билан бемалол ноз-неъмат қўйилладиган дастурхонни босиб юраверишади. Гўё туйда ҳамма нарса мумкин. Негадир аксарият қишлоқларда шаҳарлардаги каби хонтахтадан фойдаланиш одати йўқ. Бу нарса дастурхон атрофида бола-чақа билан бирга утирилганда жуда билиниб қолади. Шўх болакайлар бемалол дастурхон устида ўйноқ-

Бир габроволик та-нишига деди:
— Сигаретингдан битта чектир.
— Афсуски, сигаретим тугаган.
— Ундай бўлса, мен ўзимникини чекиб тураман, кейин менга битта сигарет бера-сан.

Бир одам ёнида турган кишига шала-лоқ тортиб юборди.

— Бу нима қилганинг?

— Сени урдим-да.

— Жиддий урдингми?

— Ҳа.

— Унда майли, бунақа ҳазилларга то-бим йўқ.

— Официант! Марҳамат қилиб котлет келтиринг.

— Жоним билан.

— Жонингиз керак эмас, картошкаси кўпроқ бўлсин.

Бобо неварасидан суради:

— Қани айтчи, тойчоғим, бирга иккинчи қўшса неча булади?

ЛАТИФЛАР

— Уч!
— Баракалло! Мана сенга учта шоколад!
— Э янглишдим, бобо, божон, уч эмас, беш булади.

Духтир беморнинг кўкрагига уриб қуриб деди:

— У-ху, бу тугма шиш-ку, зудлик билан олиб ташлаш керак.
— Ахир, бу шиш эмас, ҳамёним-ку!

— Менга берган янги қопқонингизни омборхонага қўйган эдим, эрталаб қарасам ёнида учта сичқон улиб ётибди.

— Нега энди ёнида экан?

— Қопқонингизнинг яроқсизлигиндан кула-кула улиб қолишган бўлса керак-да!

— Қизим, у сени улмоқчи бўлса, бунга йул қўя кўрма!

— Ойижон, у мени улмоқчи бўлмаса-чи?

• Янги китоблар


КўНГИЛПАР ШЕЪРГА ОШНО

Санъат мисоли узидан нур таратиб учаётган ҳумо қуши бўлса, шеърятнинг қанотларидир. Дунёдаги бори элу-элат санъатнинг барча турлари қатори шеърятдан ҳам баҳраманддирлар. Аёнки, шеър — илоҳий муҳаббат. У инсонларни ҳаммаша эътиборга олади. Худди шу ўринда кўнги-лпарларнинг беэвола назмий дурдоналари билан инсоният тарихи ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини эслаш кифоя.

Бугун ёш шоирлар ижодига юксак мезонлар билан ёндашаётган ҳукуратимиз уларнинг ёруғ келажаги учун алоҳида ғамхўрлик қилляпти. Яқинда Республика Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати ҳимийлигида бир гуруҳ ёш истеъоддорларнинг шеърый китоблари босмадан чиқди. Улар орасида газетамизнинг собиқ муҳбири, шоир ва журналист Юсуф Расулнинг ҳам «Кўнгилдаги масофа» номли илк шеърлар тўплами эълон қилинган.

Китобда инсон руҳиятига хос бўлган турли манзаралар, воқеликдаги сирли кечинмалар шеърый шаклларда уз ифодасини топган. Уйлаймизки, шоирнинг Она, Ватан, Ер аталмиш покиза хилқатларга бўлган самийий муҳаббати ўқувчиларда илқ таассурот уйғотади. Биз Юсуф Расулни илк китоби билан қўтлаб, унинг келгуси ижодига зафарлар тилаб қоламиз.

«ХАБАР» ТАҲРИРИЯТИ



Бухоро. Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳи.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ДОНОЛАР ЯЁЛЛАР ҲАҚИДА

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам биледи.

... И. С. Тургенев

Аёлларга хос улмас назоқат яхши эркакларга ҳаммиша қанот бағишлаб келган.

... Р. Роллан

Аёлга муҳаббат биз

учун буюк, ҳеч нарсанинг урнини босолмайдиган аҳамият касб этади: у худди гушга сепиландиган туздек: юракка сингиб, уни бузилишдан сақлайди.

... В. Гюго

Эркакларнинг ишончидан кура аёлларнинг гумо-ни кўпроқ тўғри булиб чиқади.

... Р. Киплинг

Аёلسиз ҳаёт тонги ва оқшоми — заиф, кундузи — ғамгин булиб қолар эди.

... П. Буаст

Эркакка ухшамоқчи бўлган аёл худди аёлсифат эркак сингари тасқарадир.

... Л. Н. Толстой

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ Саидмуҳаммад АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фирм-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0778. 9038 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

